

**БУХОРО АМИРЛИГИ ДАВРИДА ЧИРОҚЧИ БЕКЛИГИ АҲОЛИСИ
ҲАҚИДА МУЛОҲАЗАЛАР**

Абдураимова С. Э.

ҚарДУ тадқиқодчиси

Чироқчи беклиги ёки айрим манбаларда тилга олинмишича Чироқчи вилояти жануби-шарқий томондан Яккабоғ, шимоли-шарқий томондан Шахрисабз ва Китоб бекликлари, жанубий Қарши бекликлари билан қўшни бўлиб, Яккабоғ беклигига жанубдан қўшни Ғузор беклиги ҳам унга яқин жойлашган эди. Бухоро амирлари ўзига қарашли барча бекликлардаги аҳоли устидан ҳукмрон бўлиб, хусусий мулкчиликка асосланган турмуш тарзига эга бекликлар аҳолиси ҳуқуқий жиҳатдан шариатга бўйсунган. Яъни амирлик аҳолиси мусулмон ҳуқуқи асосида бошқарилган. Шу билан биргаликда, ҳар бир беклик аҳолиси бекликнинг табиий-географик жойлашуви ва этномаданий жиҳатларидан келиб чиқиб, ўзига хос маъмурий-сиёсий бошқарувга эга бўлган. Айниқса, бу ҳолат аҳолиси кўпроқ ярим кўчманчи ҳаёт тарзига эга бўлган Чироқчи беклиги бошқарувида яққол кўзга ташланиб, турли ёзма манба маълумотлари ва энтографик материаллар яққол кўрсатади. Амирликдаги Бурдалиқ, Қорақўл, Ғузор, Шеробод ва ҳоказо каби бекликлари сингари Чироқчи беклигида шариат билан бирга қадимги давр ва ўрта асрларда бўлгани каби хўжалик турмуш тарзи ҳамда ижтимоий-иқтисодий маиший ҳаётда “одат ҳуқуқи” устуворлик қилган. Яъни ушбу бекликларда ўрта аср турк-мўғул элатларига хос анъаналар – қабила-уруғчилик тизими етакчи бўлган.

Бухоро амирлигининг бир қатор бекликларида аҳоли ўзининг хўжалик машғулотидан келиб чиқиб, солиқларни пул ёки натура шаклида тўлаган, яъни етиштирган ғалла, сабзавот маҳсулоти ёки мева-чеванинг бир қисмини амирликка топшириш орқали бажарган бўлса, Чироқчи каби аҳолиси чорвачилик билан шуғулланган ҳудудларда бундай мажбуриятлар қўй-эчки ёки чорвачилик маҳсулотлари: тери, жун ва ҳоказо каби нарсаларни тўлаш орқали

амалга оширилган. Ҳар бир қишлоқдан солиқ йиққан амалдор (амин, оқсоқол, амлокдор)лар тушумларни бекларга топширган бўлса, ўз навбатида беклар уларни амирлик марказига – Бухоро шаҳрига юборар экан муайян қонун-қоидалар орқали ўз вазифасини бажаришга тиришганлар. Солиқ йиғиш жараёнида шариатда белгиланган қоидалар устуворлик қилса-да, айрим ҳолларда суистеъмолларга йўл қўйилган. Шунга қарамай, “муҳтасиб”, “қози” каби шаръий қонун назоратчилари аралашуви билан бундай суистеъмолларнинг олди олинган ва беклар ўз вазифасини иложи борича виждонан бажаришга ҳаракат қилган. Айниқса, беклар ҳар ҳафта ўз бошқарувидаги вазият, аҳоли аризалари ва тушумлар ҳақидаги маълумотларни амирлик ҳокимиятига етказган пайтда амир ўз қарорини жума куни, яъни мусулмонлар учун муқаддас бўлган кунда чиқариши амалиёти мавжуд бўлган.

Қашқадарё воҳасидаги кўплаб қишлоқларга эга бўлган Чироқчи беклиги, гарчи амлоклари бирмунча оз бўлса-да, аҳоли сони жиҳатдан анчагина кўп бўлганлиги билан ажралиб туради. Етгита амлокка бўлинган ушбу беклик таркибида 125 та қишлоқ бўлиб уларнинг сезиларли бир қисмини Бухоро амирлиги даврида ўтроқлашган аҳоли гуруҳлари ташкил этган. Бу фикрни ҳар бир амлок таркибида кўчманчи ўзбеклар[1] билан боғлиқ ўнлаб қишлоқ номлари ташкил этиши тасдиқлайди. Хусусан, Чироқчи вилоятининг шимолий қисмидаги Беш-чашма амлокида 32 та қишлоқ жойлашган бўлиб, уларнинг кўпчилигида сарой уруғига, Бекламиш амлокида уз уруғига, Чиял амлокида қутчи уруғига, қолган амлоқларда эса асосан чуют, сарой ва қутчи уруғига алоқадор аҳоли вакиллари истиқомат қилишган. Шунингдек, Чироқчи вилоятидаги айрим қишлоқларда *қипчоқ*, *уйшун*, *мангит*, *қалмоқ*, *санчқли*, *ачамайли*, *қирғиз*, *жуз* каби ўзбек уруғлари вакиллари яшаган. Буни юқорида келтирилган Бухоро амирлиги даврида тузилган ҳужжатларда учрайдиган қишлоқ номлари ҳам тасдиқлаб турибди (*қар.* 1-илова). Шу ўринда айтиб ўтиш керак, Чироқчи вилоятидаги ҳар бир амлокни ушбу уруғларга мансуб амлокдорлар бошқаришган.

Қизиғи шундаки, XX аср ўрталарида йиғилган этнографик ва

этнолингвистик маълумотларга кўра, Чирокчи туманида Кўкдала ва Бегламиш қишлоқлар мажмуасидаги ўнлаб қишлоқларда аҳоли ўз аجدодлари ўзбекларнинг “уз” (маҳаллий аҳоли “ыз” деб ҳам талаффуз қилишади) уруғининг 4 та тармоғи (даҳа ёки тўп)га мансуб деб билишган. Улар қуйидагича Ҳардури ва Шўрбозор қишлоқларида – *мирза* даҳаси, Хушали, Ўтамали, Талоктепа қишлоқларида – *чибот* даҳаси, Олатўн ва Бегламишнинг айрим қишлоқларида – *олатўн* даҳаси, Сўфи қишлоғи ва Кўкдаланинг айрим маҳаллаларида – *сўти* даҳасига тегишли эканини қайд этишган. Шу билан бирга, Кўкдала қишлоқлар мажмуасида энг йирик қишлоқ ва иқтисодий марказ бўлган Кўкдала қишлоғида ушбу 4 та даҳа (тўп)нинг ўз маҳаллалари бўлган[2].

Чирокчи беклигида ўзбекларнинг *сарой*, *чуют*, *қутчи* (қуччи), *уз* каби йирик сонли уруғлари билан бирга *қиённи*, *барлос*, *манғит*, *найман-сарой*, *қирғиз*, *қазаяқли*, *уйшун* каби нисбатан кичик уруғлари ҳам бўлган[3]. Шунингдек, бекликда алоҳида ижтимоий тоифа – хўжалар ҳам яшаб, улар асосан тоғлик ҳудудда – Тарағай, Қалқама каби қишлоқларда аҳолининг бир қисмини ташкил этган. Эътиборли томони шундаки, Бухоро амирлигида сиёсий жиҳатдан фаол уруғлар – манғит, кенагас, кўнғирот каби ўзбек уруғлари камчиликни ташкил этиб, фақатгина айрим қишлоқларда уларни учратиш мумкин бўлган. Чирокчи беклигининг Чиял амлоклигига қарашли Ўймовут қишлоғида манғитлар яшаган бўлса, Чирокчи беклигининг маъмурий маркази – Чирокчи шаҳарчаси ва атрофларида кенагасларнинг бир тармоғи деб ҳисобланган *чуют* (*чуйут*)лар истиқомат қилган. Бекликда *қовчин*, *батош*, *қарлуқ*, *қатагон* деб аталган йирик ўзбек уруғлари қайд этилмаган. Ҳолбуки, Қашқадарё воҳасидаги бошқа бекликларда ушбу уруғлар вакиллари яшайдиган қишлоқлар анча кўпчиликни ташкил этган.

Кўнғирот уруғи вакиллари Чирокчи беклигида деярли ўзларининг алоҳида қишлоғига эга бўлмай, айрим қишлоқларда бошқа ўзбек уруғлари орасида бир неча хонадон бўлиб яшаганлар. Улар бекликнинг шарқий чеккасидаги Лангар тоғи ёнбағрида қиённи ва барлос уруғлари билан бирга яшаб, аҳолининг сезиларли бир қисмини ташкил этган бўлса, беклигининг

ғарбий чеккасидаги Ашурбека (Ҳардури) қишлоғида бир неча оилалардан иборат бўлиб, уз уруғининг бир қисмига айлана борган. Ҳардурилик аҳоли орасида ҳозиргача кўнғиротлардан чиққан Оқман-полвон деган машҳур курашчининг Бухоро амирлари даврида Бухорога бориб, амирнинг барча полвонларини йиқитгани ҳақида хотиралар сақланиб қолган бўлиб, унинг авлодлари ҳозирги кунда Ҳардури ва Кўкдала қишлоқларида бир неча ўнлаб оилани ташкил этадилар.

Хуллас, Чирокчи беклиги аҳолисининг хўжалик турмуш тарзи ва иқтисодий-маиший ҳаёти билан қисқача танишиб чиқиш орқали шу пайтгача кам ўрганилган ушбу маъмурий-сиёсий бирлик тарихи борасида муайян тасаввур ва билимларга эга бўлиш мумкин. Бухоро амирлигининг даштлик ҳудудларидан бири бўлиб аҳолиси асосан чорвачилик билан шуғулланган ушбу беклик XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида кўплаб ижтимоий-сиёсий ва этномаданий жараёнларда иштирок этган. Бу даврда бекликда аҳолининг изчил равишда ўтроқлашувга ўтиш юз бериши билан бирга бир неча ўнлаб қишлоқлар пайдо бўлиб, аҳоли сонининг ошишига олиб келган. XX аср бошларига келиб Чирокчи беклиги нафақат Қашқадарё воҳасида, балки Бухоро амирлигидаги ўнлаб бекликлар орасида нисбатан аҳолиси кўп ҳудудлардан бирига айланган.

Адабийотлар руйхати

- 1 Султанов Т.И. Опыт анализа традиционных списков 92 «племен илатийа» // Средняя Азия в древности и средневековье. – М.: Наука, 1977. – С. 165-176.
- 2 Населенные пункты Бухарского эмирата (конец XIX - начало XX в.) ..., с. 307.
- 3 Жўраев Б. Юқори Қашқадарё ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан, 1969. – Б. 161-163, 166-167; Нафасов Т. Қашқадарё қишлоқномаси. – Тошкент: Муҳаррир, 2009. – Б. 258.